
СЕМИНАР-ТРЕНИНГ

Марғилон шаҳрида маҳалла хотин-қизлар фаолларининг психологик билимларини оширишга қаратилган семинар-тренинг ташкил этилди.

Семинар-тренингда Ўзбекистон Республикаси психологлар ассоциацияси аъзолари Зироатхон Декқонова ва Шаҳноза Хасановалар томонидан маҳаллаларда хотин-қизлар ўртасида иш олиб боришда асосан нималарга эътибор қаратиш кераклиги юзасидан тўлиқ тушунчалар берилди.

Семинар-тренингда шунингдек, хотин-қизлар фаолларининг психологик билимларини шакллантириш, уларга фуқаролар билан ишлашда низоли вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш йўлларини ўргатиш, нотинч оиласалар билан ишлаш, руҳий тушкунликка тушган шахсларга биринчи ёрдам кўрсатиш ҳамда ўз жонига қасд қилиш, ажримларни олдини олиш каби кўникмалар берилди.

Семинар якунида хотин-қизлар фаоллари мавзуга оид ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислар томонидан тегишли жавоблар олдилар. Фаол эштирок этган иштирокчиларга эса маҳсус сертификатлар топширилди.

2023-08-01 17:45:02